

АРАБ ДАВЛАТЛАРИДА ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ: ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИХАТ

Ишчанов Н.Ф. – ТДШИ магистранти

Аннотация

Мақола араб давлатларининг интеграцион жараёнларининг тарихий ривожланиш босқичларига бағишланган. Мақолада араб давлатларининг ҳамкорлик ташкилотлари ҳақида ҳам маълумот берилган.

Араб мамлакатлари ўртасида минтақавий интеграцион жараёнларни ўрнатиш борасида дастлабки уринишлар иккинчи жаҳон урушидан кейин юзага кела бошлади. Ундан кўзланган асосий мақсад араб мамлакатларини Ғарб мамлакатлари мустамлакасида озод қилиш ва ўзаро интеграцияга эришиш эди. Интеграцияга эришишдаги энг муҳим омиллар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш ўринлидир.

Биринчидан, интеграция юзага келишида асосий эътибор араб мамлакатларида яшовчи аҳолининг этник жиҳатдан умумийлиги ҳамда араб миллатига мансублик мамлакатларни сиёсий жиҳатдан яқинлашуви, уюштириш учун турткидир.

Иккинчидан, тарихий, маданий ва диний жиҳатдан яқинлиги. Ислом дини халқларнинг муштарак ҳаёт тарзини белгилаб берувчи асосий омил ва диний қарашлардаги яқинлик мамлакатлар сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг асосидир.

Учинчидан, минтақадаги аҳолининг асосий сўзлашув тили араб тили эканлиги яна бир муҳим восита эканлигини англатади.

Инглиз олими Жон Кристининг таъкидлашича, араблараро ташкилотларнинг бошқа шу каби интеграцион ташкилотлардан фарқи ҳамда унинг катта ютуғи ўзининг қатор жипслаштирувчи сифатлари билан фарқ қилади. Булар ягона араб тили ва ислом дини, бир хил ижтимоий тузилма, нисбатан ўхшаш иқтисодий ривожланиш стандартлари, яқин ва ўхшаш давлат бошқаруви тизим, умумий маданият ва географик жойлашув. Инглиз олимининг бу фикрини инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш жойизки, юқорида айтиб ўтилган омиллар ушбу иттифоқнинг вужудга келиши сабабларидан бири бўлди (1).

Тўртинчидан, мамлакатлар ўртасида иқтисодий интеграциянинг юзага келишида яна бир муҳим омил сифатида нефт экспорти масаласини ҳам киритиш мумкин. Ушбу давлатлар учун нефт экспортивани унинг нархини белгилаш масаласи интеграцияни вужудга келишига

туртки берган омилдир. Турли хил келишувлар, битимлар фақат қозғошдагина қолиб кетган бўлса, бугунги кунда ушбу келишувларни минтақавий ташкилотлар, иқтисодий уюшмалар доирасида муҳокама қилиш ташқи сиёсий манфаатларни таъминлашда сезиларли ўсишларга олиб келмоқда.

Араб давлатлари лигаси Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада жойлашган 22 та аҳолисининг кўпчилик қисми араб тилида сўзлашувчи мамлакатларни ўз ичига олган ташкилотдир. Лигага аъзо мамлакатларнинг умумий майдони 5,25 млн км.кв, аҳолиси эса 350 млн.дан ортиқроқни ташкил этиши унинг қанчалик аҳамиятли эканлигини ифодалайди. 1945 йил 22 мартда Қоҳира шаҳрида ташкилот тузилади, мустақил бўлишига қарамай ташкилот доирасида катта бўлиниш юзага келади. Иордания ва Ироқ Буюк Британия, Саудия Арабистони ва Миср АҚШ позициясини қўллаб-қувватлайдилар (2).

Осиё ва Африка қитъаларида жойлашган араб мамлакатларининг бирлашувида АДЛ муҳим рол ўйнайди. 1967 йилги араб-исроил низоси натижасида яна бир бор араб давлатлари ўртасида келишмовчиликлар ва турли фикрлиликка сабаб бўлади.

АДЛ доирасида ўзаро қарама-қаршиликларга қарамасдан ташкилот доирасида бир қанча келишувларга эришилганлиги унинг фаолияти асосларини кўрсатиб беради:

- 1959 йилда Араб нефт конгресси;
- 1964 йилда ALESCO (Arab League Educational, Cultural and Scientific Organization)нинг ташкил этилиши, лига давлатлари ўртасида таълим, фан ва маданият соҳаларини ислоҳ қилишда муҳим қадам бўлди;
- Араб тараққиёт Банки ва Араб молия ташкилотларининг тузилиши;
- 1965 йилда Араб умумий бозорининг яратилиши иш кучи, капитал ва савдонинг эркин айланувини таъминлади (3).
- 1990-1991 йиллардаги Форс кўрфазида юзага келган Ироққа қарши кайфият араблараро муносабатларнинг совуқлашишига туртки бўлди.
- 2000 йиллардан кейинги ҳаракатлар Ироққа нисбатан амалга оширилган ҳарбий аралашувлар таъсирида ўтди.
- 2010-2012 йилларда амалга оширилган “Араб баҳори” жараёнлари ташкилот нуфузига салбий таъсир этди ҳамда Ливия, Сурия каби аъзо мамлакатлар ташкилот томонидан қўллаб-қувватлаш мавжуд эмаслиги сабабли ўз фаолиятини тўхтатдилар.

Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши, ушбу ташкилот 1981 йил 25 майида ташкил этилган ва бу ташкилотга Саудия

Арабистони, Кувайт, Баҳрайн, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон Султонлиги сингари мамлакатлар аъзо (4).

Аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлар қолаверса (Кувайтга қарши Ироқ агрессияси) оқибатида молиявий имкониятлар чегаралаб қўйилган эди.

ФКАДХК аъзо мамлакатлари олдида вужудга келган вазиятни ҳал этишда, ўз хавфсизликларини таъминлашларида Ғарб мамлакатлари ёрдамига таянишдан бошқа чора топа олмадилар. Шу билан биргаликда кейинги йилларда ФКАДХК мамлакатларида ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий бирдамликни янада мустаҳкамлаш жуда зарурлиги намоён бўлмоқда.

ФКАДХК 2012 йилда ФКАДХИга айлантирилганлигини, ушбу интеграцион ташкилотнинг аъзолари сонини Марокаш ва Иордания ҳисобига кенгайтириш, интеграция мамлакатлари доирасида ягона валютани жорий қилиш масаласи кўриб чиқиладиганлигини мисол тариқасида келтириш ўринлидир.

Араб мағриби иттифоқи ташкилоти бўлиб бу ташкилот 1989 йил 17 февralида Марокаш шаҳрида бешта мамлакат Жазоир, Марокаш, Ливия, Тунис ва Мавритания давлат раҳбарлари учрашувида Араб мағриби иттифоқи (АМИ)ни ташкил этиш ҳақидаги шартнома имзоланди. Шунини таъкидлаш лозимки, ушбу мамлакатлар географик жойлашуви, тарихий ривожланиш жиҳатларидан кўпгина Европа иттифоқи (ЕИ)га аъзо мамлакатлар (Франция, Италия, Испания ва бошқалар) билан савдо-иқтисодий муносабатларга эгадирлар. Европа Иттифоқи га аъзо-мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик шароитларига эришиш шундай бирлашувнинг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади (5).

Иқтисодиёт соҳасида – саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиб бериш, ҳарбий соҳада – Иттифоққа аъзо ҳар бир давлатнинг мустақиллигини таъминлаш, халқаро майдонда – узвий дипломатик ҳамкорликни ўрнатиш ва бошқаларни назарда тутди (6).

АМИ ташкилий тузилмасини такомиллаштириш тадбири борасида унинг иштирокчилари ўртасида икки томонлама алоқалар фаоллаштирилди.

Жазоирдан Марокашгача газ қувурлари қуриш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилди. Тунис билан Ливия ҳамкорликда минтақавий шельфадаги нефт-газ конларини қидириб топиш ишларини бошлаб юбордилар. Транспорт ва энгетика соҳасидаги ҳамкорлик муваффақиятлироқ амалга оширилган.

Денгиз, темир йўл ва ҳаво йўлларидаги катновлар бўйича қўшма компанияни, хусусан “Ал-Мағриб” авиакомпаниясини тузиш ҳақидаги қарор қабул қилинди.

1990 йили Марказий банк директорларининг йиғилиши бўлиб ўтиб, унда ягона валюта муомаласини жорий этиш ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

1991 йил охирларида бўлиб ўтган савдо вазирларининг учрашувида бешта мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларини фаоллаштириш, божхона ва савдо битимларини бажариш бўйича бир қатор амалий тадбирларни назарда тутувчи протокол имзоланди.

Араб мамлакатларининг интеграциясига туртки берувчи бир қанча иқтисодий уюшмалар юзага келганлигига қарамасдан, айтиш жойизки ханузгача бирор бир барқарор интеграцион уюшма ташкил этилган эмас. Бунга сабаб сифатида эса қуйидагиларни таъкидлаш ўринли:

-биринчидан, ушбу мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши ва аҳолининг турмуш тарзи, табиий ресурсларнинг бир хил эмаслиги;

-иккинчидан, араб давлатларидаги сиёсий тузум ва бошқарув усуллариининг турлича эканлиги;

-минтақа мамлакатлари ўртасида турли ҳудудий, диний можароларнинг мавжудлиги (сунний-шиа қарама-қаршилиги);

Араб давлатлари ўртасида ягона интеграцион ташкилотнинг ташкил топишида уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва яқдил келишувига таяниш мақсадлидир. Сиёсий тузуми, иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар араб омили ёки ислом омилини назарда тутган ҳолда бирлашишга интилиш самарали ҳисобланади.

(1) Мушаррапов З. Араб мамлакатлари иқтисодиёти – Т.: ТашГУ, 2008. – Б.19.

(2) [http:// www.lasportal.org/wps/portal/las_en/home_page](http://www.lasportal.org/wps/portal/las_en/home_page).

(3) Arab league wants to go through a transformationPosted on [December 8, 2012](http://www.arableagueonline.org/arab-league-wants-to-go-through-a-transformation/#-more-170)
<http://www.arableagueonline.org/arab-league-wants-to-go-through-a-transformation/#-more-170>

(4) Мушаррапов З. Араб мамлакатлари иқтисодиёти – Т.: ТашГУ. 2008.– Б. 30-31.

(5) Jeune Afrique. – 1989. – № 1477. – Б. 46.

(6) Ўша манба.